Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 21-avgust № 100 (2825) shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахту саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.

Ислом КАРИМОВ

Қутлуғ қонун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 31 АВГУСТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИДАН

Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир.

Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир, у ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларнинг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.
Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

Давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

Ўзбекистон Республикасининг мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

«Мехржон» нонлари

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда уларни иш билан таъминлаш муҳим ўрин тутади. Шуни эътиборга олган ҳолда Жиззах вилоятида ҳам аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб корхоналар ишга туширилиб, иш ўринлари яратилаяпти. Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кетаётган айни пайтда Жиззах шаҳрида ана шундай корхоналардан бири ишга туширилди. БМТнинг Тараққиёт дастури гранти асосида барпо бўлган «Мехржон» корхонасига Германия ва Россиядан келтирилган 33 300 АҚШ долларига тенг ускуналар жойлаштирилган. «Лочин» хусусий фирмаси қошида ташкил этилган мазкур корхона нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда бу ерда ўндан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича 1317,6 минг гектар майдонга чигит қадалди. Заҳматли меҳнат эвазига ғўзалар баравж ривожланмоқда. Ҳадемай оппоқ пахталар кўнгилларга сурур солади, хирмонлар юксалади.

Ҳар он — ғанимат

Хирмон юксак бўлади

Мутахассис ва бободеҳқонларнинг фикрига кўра, август қўшимча ҳосил ойи саналади. Сувчи, механизатор ва энтомолог фермер ёнидан жилмайди. Чеканка ишлари ниҳоясига етиб, ғўзалар бўйига эмас, энига ўсаётир. «Халқимизда «асад суви — асал суви» деган ибора бор. Кундузи сув иссиқда буғланиб кетмаслиги учун, маҳаллий ўғит солиниб, далалар тунда «шарбат» усулида суғорилмоқда.

Ғўза парваришида култивациянинг ўрни беқиёс. Бунинг боиси у асосан илдизидан озиқланади. Унинг атрофини тез-тез юмшатиш тупроқдаги ҳаво алмашинувини яхшилайди. Ғўзани бегона ўтлардан ва зараркунанда ҳашаротлардан сақлаш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз, август ойида ёзги чилла тугаб, ҳарорат бирмунча пастлашади. Тунлар салқин бўлади. Бундай пайтда ҳосилнинг ашаддий кушандаси кўсак қурти, ўргимчаккана ғимирлаб қолади. Уларни йўқотиш учун биологик усулдан фойдаланишга тўғри келмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ғўза ривожи олдинги йилларга нисбатан 10-12 кунга илгарилаб кетди. Демак, ҳали айтганимиздек, ҳосил мўл бўлади.

Шундай кунларда касаба уюшма фидойиларини ҳам даладан топасиз. Улар деҳқон ёнида бўлиб, оғирини енгил, мушкулини осон қилишга ҳаракат қилаяпти. Шийпонларда дам олиш соатлари учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, бепул тушлик ташкил этилаётир. Иш ҳақини вақтида бериш қатъий назорат қилинмоқда.

Бу йил мавжуд биолабораториялар мавсумга пухта тайёрланиб, тўла жиҳозланди ва биомаҳсулотлар тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Далаларга чиқарилган «Трихонограмма»,- «Олтинкўз» ва «Бракон» сунъий қуртлари зараркунандаларга қирон келтирмоқда.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Бунёдкор халқимизни мамлакат Мустақиллигининг 19 йиллиги билан самимий қутлайди.
Истиқлол шукуҳи кезиб юрган бугунги доруломон кунларда соҳамизнинг барча ходимларига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, юртимизга эса тинчлик-фаровонлик тилайди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бири. Бу ердаги 23 та цех касаба уюшма қўмиталари таркибида 2891 нафар аъзо мавжуд. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари негизини шакллантириш, ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш, меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олишини ташкил этиш, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини ўз вақтида олишларини назорат қилиш, янги молиявий сиёсатни юргизиш, жисмоний тарбия ва маданий-маърифий ишларни ривожлантириш, касаба уюшма фаоллари ўқувларини уюштириш ҳамиша касабақўмнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Кейинги беш йилда завод бўйича энг кам иш ҳақи 65928 сўм ва ўртача иш ҳақи 633 минг 500 сўмни ташкил этди.

597 нафар касаначи завод ишчи-хизматчилари учун махсус кийим-бош, қўлқоп ва кўрпа-ёстиқ жилдлари тикиш билан машғул. Улар завод ишчи-ходимлари қаторида жамоа шартномалари орқали яратиб берилаётган барча шарт-шароит ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиб келмоқдалар.

Баркамол авлод йилида ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ночор қатламларига, айниқса, қишлоқ ёшларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ёндашувни кучайтиришга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Қутлуғ қонун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 31 АВГУСТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИДАН

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металлар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади.
Ўзбекистон Республикасининг олтин захирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга.

Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинадиган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларини, айирбошланадиган валютани сотади ва сотиб олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Инсон ҳуқуқлари декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилади.
Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий келиб чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

Ishonch
2010-yil 21-avgust № 100 (2825)

Касаба уюшмалари —

Халқ дарди билан яшамоқ — олий саодат

Марказий кенгаш тасарруфида 1771 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар сони 745 минг 470 нафарни ташкил этади. Ҳисобот даврида аъзолар 9195 нафарга кўпайган. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаати, саломатлиги, оиласи, фарзандлари соғлиғи учун ғамхўрлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, оиласидан кўнгли тўқ, ўзи соғлом ходимгина одамларга кўпроқ наф келтиради.

Ишончли ҳужжат

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасидаги икки томонлама келишувга асосан қонун устуворлиги ижтимоий шерикчилик асосида амалга оширилаяпти. Тармоқ келишуви ва жамоа шартномаси бу борада ишончли юридик ҳужжат бўлиб, ундан иш берувчи ҳам, ходим ҳам баробар манфаат кўрмоқда. Айниқса, кўплаб тиббиёт муассасалари иқтисодий имкониятни ҳисобга олиб, ходимларга қўшимча имтиёзлар беришаяпти. Негаки, меҳнатга эътибор ва рағбат бўлган жойда унумдорлик, даромад яхши бўлади.

Марказий кенгаш тасарруфида юридик шахс мақомига эга бўлган 1761 та ташкилотда жамоа шартномаси қабул қилинган ва 2787 та касаба уюшма ташкилотида амалиётга татбиқ этилган. Бу эса 551 минг 560 нафар ишловчи ходим манфаатини ҳимоялаш демакдир. Жамоа шартномалари билан қамраб олиш 2005 йилда 88,6 фоиз бўлса, 2009 йилга келиб 99,3 фоизни ташкил этди.

Ҳар бир мурожаат назоратда

Ўтган даврда Марказий кенгашга 153 та ариза ва шикоят, 921 та оғзаки савол келиб тушган. Ҳудудий кенгашларга 1720 та ёзма, 7111 та оғзаки мурожаат бўлган. Улар асосан ходимларга берилиши лозим бўлган кафолат ва имтиёзлар, иш берувчилар томонидан ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, қўшимча таътил, қўшимча ҳақ тўлаш, касаллик варақаси тўловлари хусусида. Ҳар бир мурожаат қонун талаблари асосида ҳал этилмоқда. Масалан, 132 нафар ходим касаба уюшма аралашуви билан суд орқали ўз ишига тикланди. Мажбурий бекор юрилган кунлар учун 33 млн. 990 минг сўм миқдорида моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Наманган шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси тугатилиши муносабати билан 103 нафар ходим меҳнат қонунчилиги талабларига зид равишда бўшатиб юборилган. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига Наманган вилоят кенгаши томонидан тақдимнома киритилди. Натижада, ходимларга ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда компенсация ва фойдаланилмаган таътиллар учун 14 млн. 950 минг сўм зарар ундирилиб, барча ходимлар ишга жойлаштирилди.

Меҳнат қонунчилиги ва соғлиқни сақлаш тизимига доир методик қўлланма сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами тайёрланиб, барча касаба уюшма қўмиталарига тарқатилди.

Касални даволагандан кўра...

Кейинги пайтларда соҳани тубдан ислоҳ қилиш учун ажратилаётган бюджет маблағлари кўпайиб бормоқда. Биргина 2010 йилда бу миқдор 1 трлн. 700 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса меҳнатни муҳофазалаш ва қулай иш шароитларини яратиш, иш унумдорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, замонавий тиббий масканлар барпо этилиши аҳамиятлидир.

Тармоқ касаба уюшмалари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш борасидаги ишлар эътирофга сазовор.

Айни кунда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма ташкилотларида 11 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис, 1576 нафар вакил ҳамда 1,5 мингдан ортиқ касаба уюшма қўмиталарининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялари фаолият юритмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўтган даврда 21200 дан ортиқ тадбир уюштирилди. Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини махсус кийим, пойабзал, ювиш воситалари ҳамда сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун 3 млрд. 107 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Қонун талабларига риоя этилиши устидан 1023 та муассасада текширув ўтказилиб, аниқланган 13600 та қонун ва қоида бузилишларини бартараф этиш учун 1023 нафар иш берувчига ёзма таклифлар берилди.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун иш берувчи билан ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Зеро, касалликни даволагандан кўра, олдини олган маъқул.

Руҳ соғлом бўлмай туриб...

Марказий кенгаш фаоллари жамиятнинг маданий-маърифий янгиланишида, юксак ахлоқийлик қарор топишида, жамият тараққиётига асос бўлган барча эзгу ҳисларни тарбиялашда фаол қатнашмоқда. Бунда Республика Маънавият-тарғибот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ, Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани самара бермоқда.

Илм даргоҳларида ИИБ, ОИТС маркази, Наркология диспансери мутахассислари ҳамда касаба уюшмаларининг бевосита иштирокида бўлиб ўтган «Биз ОИТСга йўқ деймиз», «Ўзингни ОИТСдан сақла», «Гиёҳвандлик — умр заволи» мавзуидаги давра суҳбатлари ёшлар маънавий дунёқарашини ўстиришга имкон яратмоқда.

Руҳни соғломлаштирмай туриб, танани даволаб бўлмайди. Доноларнинг бу ҳикмати гўё шифокорлар учун айтилгандай. Маънан соғлом шифокор беморларга умид бахш этолади. Тиббиёт муассасалари, олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртларида кутубхона ва «Маънавият ва маърифат» марказлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Президент асарлари, янги бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мунтазам таъминланиб турилади.

Фан ва маданият арбоблари, ёзувчи ва санъаткорлар билан учрашувлар, турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш анъанага айланган. Ўтган даврда 6058 нафар тиббиёт ходими ва талаба ёшларнинг диққатга сазовор, тарихий гўшаларимизга саёҳати уюштирилди.

Спорт ва саломатлик

Юртимизда истиқлолдан сўнг ўтган давр мобайнида ўртача умр кўриш 4,5 йилга ортди. Шубҳасиз, бу ҳукуматимизнинг ижтимоий сиёсати, Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини асраш, соҳада кенг кўламли тадбирлар олиб борилишига эътибор қаратилаётгани натижасидир. Бу хайрли ишда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Ҳисобот даврида 15176 нафар тиббиёт ходими санаторий ва дам олиш уйларида саломатлигини тиклади.

Марказий кенгаш тасарруфидаги «Шифокор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида болаларнинг мароқли дам олишлари учун барча шароитлар яратилди. Ўтган беш йилда тиббиёт ходимларининг 35 мингга яқин фарзанди ёзги оромгоҳларда дам олдирилди.

Саломатлик ва гўзалликка фақат спорт орқали эришиш мумкин. Касаба уюшмалари шуни ҳисобга олиб, жисмоний тарбия ва спортни жонлантиришга камарбаста бўлмоқда. Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида уюштирилган «Раҳбар аёллар спартакиадаси», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Алпомиш ва Барчиной» спорт тадбирлари аёлларни соғломлаштиришга йўналтирилди.

Иқтидорлар эътиборда

Республикада тармоққа қарашли 9 та олий ўқув юрти, 81 та тиббиёт коллежи фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртлари ҳар янги ўқув йилида 3 минг нафар атрофида, тиббиёт коллежлари эса 50 мингга яқин ёшларни ўқишга қабул қилади. Албатта, улар орасида иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

Истеъдодни тарбиялаб, камолга етказиш осон иш эмас. Истеъдодли ёшларнинг изланиш ва ташаббусини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамиша эътиборда. Ўтган даврда кенгаш томонидан олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун устама стипендия бериб борилди. Жорий йилда тармоқ бўйича 82 нафар талаба-ўқувчига касаба уюшма стипендияси насиб этди. Ушбу мақсадга 12 млн. 642 минг сўм ажратилди.

Олтин захира

Кадрлар касаба уюшмасининг олтин захирасидир. Марказий кенгаш кадрларни танлаш, уларнинг таркиб ва сифатига жиддий эътибор билан қарайди. Етакчи ва фаолларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳудудий кенгашларда Марказий кенгаш мутахассислари иштирокида ҳар йили сайёр ўқув-семинарлар ўтказилади. ЎзКУФКнинг Ўқув марказида ҳар йили 100 нафар атрофида, Марказий кенгаш мутахассислари иштирокида вилоятларда ўтадиган сайёр ўқув-семинарларда 2000 нафарга яқин кадрнинг малакаси оширилади.

Касаба уюшма кадрлари таркиби таҳлил қилиниб, тизимга ёш, ғайратли, соҳа муаммоларини биладиган ва уларни ҳал этишга қодир ходимлар жалб этилмоқда. Янги сайланган касаба уюшма қўмита аъзолари 7405 нафарни ташкил этса, шундан 4099 нафари хотин-қизлар, 1267 нафари эса 30 ёшгача бўлган ёшлардир.

Ўз мухбиримиз

Давр талаби

«Ўзбекистон» меҳмонхонасининг катта конференциялар залида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг V қурултойи бўлиб ўтди. Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг жамоатчилик асосидаги раис ўринбосари — ташкилий бўлим мудири Лола Жалолова маъруза қилди.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Маъруза юзасидан бўлган музокараларда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Гавҳар Исломова, Самарқанд вилоят Ортопедия-жарроҳлик ва шикастланиш оқибатлари шифохонаси бош шифокори Мамаюсуф Салимов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Сауле Мелдибекова, Андижон вилоят Ҳамширалар ассосиацияси раиси Тамарахон Исматова, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асомиддин Комилов сўзга чиқиб, Марказий кенгашнинг фаолиятини ижобий баҳолади.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова қатнашиб, Марказий кенгашнинг ютуқлари қатори, ижтимоий шерикчилик, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта масалалари бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида алоҳида тўхталиб, делегатлар эътиборини бугунги кунда касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга қаратди.

Тармоқ Марказий кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раислигига Бахтиёр Маҳмадалиев сайланди.

Ўз мухбиримиз

Марказий кенгашнинг саъй-ҳаракати билан вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши штат жадвалига ҳуқуқшунос лавозими киритилди. Натижада, тиббиёт-профилактика муассасаларида иш юритишни ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда ташкил қилиш, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишлари яхшиланди.

Ҳуқуқий маданият асоси

2005-2009 йилларда бошланғич касаба уюшма қўмиталарига ҳуқуқий ва меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан ўнлаб китоб, рисола, плакатлар олиб берилди. Бундан ташқари, кенгаш томонидан ҳуқуқий ўқув юзасидан методик тавсия ишлаб чиқилди. Ҳисобот даврида ҳуқуқий мавзуда ўтган 15 та семинарнинг аксариятида Марказий кенгаш мутахассислари иштирок этиб, етакчи ва фаолларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилди.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида қишлоқ ҳакимлик масканлари мудирлари ва менежерларидан 750 нафар ходим меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида ўқитилди. Мақсад — меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, йўриқномаларни қонуний расмийлаштириш ва амалга татбиқ этиш каби масалалар юзасидан тушунчаларни чуқурлаштиришдир.

Вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини поймол бўлишининг олдини олиш мақсадида барча тиббиёт профилактика муассасалари раҳбарлари билан музокаралар олиб бормоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ходимларни қонуний ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштиришни айрим иш берувчилар етарли даражада ўзлаштириб олмагани сабаб жабрланган ходимлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш учун бизга мурожаат қилмоқда. Рўйхатга олинган 145 та ёзма аризанинг ҳар бири алоҳида назоратга олиниб, ижобий ҳал этилди. Жумладан, ноқонуний ишдан бўшатилган Қоракўл тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Х.Худойбердиева ўз ишига тикланиб, моддий зарар ундириб берилди. Шунингдек, Олот тумани «Сойин-Қоровул» қишлоқ врачлик маскани мудири С.Рўзиев шу муассасанинг врачи Норсултон Бобоева билан меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилган. Ходимнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклашда Қоракўл туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилинди. Натижада ходим ўз ишига тикланиб, моддий ва маънавий зарар қопланди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

Соғлом оила — соғлом жамият

Баркамол авлод соғлом онадан дунёга келади. Шу боис, аёлнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, ўзини асраш миллатни асраш билан баробар.

Бугун баркамол авлодни тарбиялаш Президентимиз айтганларидек: «... бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир».

Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларда ҳам соғлом фарзандининг дунёга келишини таъминлаш ва уларни жисмонан бақувват ва баркамол вояга етказиш муҳим йўналиш қилиб белгиланган. Бу борада касаба уюшмалари ҳам амалий фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни ҳаётга келтириш ва шакллантириш мақсадида учрашув, давра суҳбатлари, мулоқот ва семинарлар ўтказилмоқда.

Туман, шаҳар ҳокимлиги, ФҲДЁ бўлимлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ва соғлом оилани шакллантириш, соғлом бола туғилиши учун оптимал ёшга риоя қилиш, туғилиш оралиғидаги интервални узайтириш, исталмаган ҳомиладорлик ва қариндошлар ўртасида никоҳнинг олдини олиш борасида 360342 та тадбир ўтказилди.

Жорий йилнинг 6 ойида вилоятда 5 марта «Соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилди. Ҳафталик жараёнида 26 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар қайтадан тиббий кўриклардан ўтказилиб, соғломлаштиришга жалб қилинди.

Шунингдек, туғиш ёшидаги аёллардан 550 нафарига БИВ, 45 нафарига ОК, 43 нафарига ИК, 240 нафарига ИЖК ўтказилди.

Шунингдек, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда МФЙ, ФҲДЁ иштирокида тушунтириш, тарғибот ишлари, қизлар ўртасида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Эркакларнинг оиладаги ҳамда фарзанд тарбиясидаги бурч ва вазифаларига бўлган масъулиятини ошириш, соғлом оилани яратиш, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тарғиб қилиш мақсадида туман, шаҳар ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

К. НАИМОВА,
Андижон вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси

Мақсад — етук кадр тайёрлаш

Тошкент тиббиёт академиясида иккита: ходимлар ҳамда талабалар касаба уюшмаси фаолият кўрсатади.

Ҳозир академияда 1768 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, аёллар — 1004, профессор-ўқитувчилар — 909, 2 ва 3 гуруҳ ногиронлари 86 нафарни ташкил этади.

Тиббиёт ходимлари куни, Халқаро хотин-қизлар байрами, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрамига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар уюштириш анъанага айланган. «Қовоқ сайли» анъанавий фестивалида бошқа муассаса ходимлари ҳам иштирок этиб келмоқда.

Ҳисобот йилларида 72 нафар ходим санаторий-курорт, 44 нафари дам олиш уйларида соғломлаштирилди. 100 дан ортиқ ходим Митрофанов сув саройида саломатлигини мустаҳкамлади.

Ўтган даврда ходимларга касаба уюшма томонидан 55 488 минг сўм моддий ёрдам ажратилди.

Фахмитдин МУРАТОВ,
Тошкент тиббиёт академияси ходимлар касаба уюшма қўмитаси раиси

Тармоқ касаба уюшмамизнинг 48792 нафар аъзоси бўлиб, шундан олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчи-ёшлари 16701, тармоқ корхоналари ва ўқув юртларида ишлаётган ходимлар 32091 нафарни ташкил этади.

Ишончли келишув

Ижтимоий шерикчилик асосида вазирлик ва кенгаш ўртасида тузилган тармоқ келишувида уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ўз аксини топган. Уларнинг бажарилиши касаба уюшмаси назоратида. Қолаверса, йилига бир марта вазирлик билан биргаликдаги қўшма ҳайъат мажлисида тармоқ келишуви ижроси таҳлил этиб борилади. Жойларда маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида қабул қилинган жамоа шартномаси эса йилига икки марта маъмурият билан биргаликда умумий йиғилишда кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинмоқда.

Қабул қилинган жамоа шартномаларида 3 ёшгача боласи бор ишловчи оналар учун қисқартирилган иш ҳафтаси, 12 ёшгача икки ва ундан кўп боласи, 16 ёшгача ногирон боласи бор оналар учун меҳнат таътилига қўшимча таътиллар берилиши, байрам ва дам олиш кунлари ишлаган вақт учун икки баробар ҳақ тўлаш масалалари киритилиб, ижро этилмоқда.

Тармоқ ходимларининг соғлиғини мустаҳкамлаш ва фарзандларининг ёзги оромгоҳларда дам олишини ташкил этиш мақсадида ҳисобот даврида 801 нафар ходим санаторийларда соғломлаштирилди. Тошкент вилоятидаги ёзги дам олиш оромгоҳларида 100 нафар бола бепул, ҳудудий оромгоҳларда эса 2223 нафар бола соғломлаштирилди.

Кенгаш томонидан ўқувчи ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳисобот даврида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалардан 50 нафар ўқувчига касаба уюшмаси стипендияси берилди. ТошПМИ Нукус филиали ҳамда барча тиббиёт коллежларига ҳомийлик ёрдами сифатида 6 млн. 489 минг сўмлик спорт жиҳозлари совға қилинди.

Л.БАЙБОСИНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Амина ҚОДИРОВА ва Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ishonch
2010-yil 21-avgust № 100 (2825)

ходимларнинг ҳамкори ва таянчи

Инсон манфаати — бош мезон

ЎзКУФК Ўкув марказида Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмасининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Марказий кенгаш раиси Маъмура Адилова ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи даставвал «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари, Ёнғинга қарши кураш жамияти, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳамда Ўзбекистон кўзи ожизлар ва карлар жамиятлари марказий бошқарув идоралари билан меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан 13 маротаба тармоқ келишувлари тузилганлигига эътиборни қаратди.

Шунингдек, ходимларнинг жамоа шартномалари билан қамраб олиниши 2010 йилнинг январига келиб 98,1 фоизни ташкил этганлиги тилга олиб ўтилди. Улар орқали ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблағ 2005 йилда 86600 сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 237352 сўмга етган. Йил якуни бўйича 1171 та корхонада тузилган жамоа шартномасига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилган. 933 та корхонада узайтирилган таътил белгиланиб, бу 137186 нафар ходимга нисбатан татбиқ этилди. 456 та корхонада эса ягона тариф ставкасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори оширилди.

Иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш — ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили. Ушбу масала бўйича Марказий кенгаш тармоқнинг юқори хўжалик органлари билан қўшма қарор қабул қилиб, тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Ҳудудий тармоқ касаба уюшма қўмиталари томонидан ҳисобот даврида иш берувчилар олдига 422 маротаба расмий талабнома қўйилиши, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятларга қилинган 26 та мурожаат, хўжалик суди органларига 5 маротаба даъво аризаси киритилиши орқали 4 млрд. 476,2 млн. сўм иш ҳақи ундирилди. Жумладан, «Оқсаройтўқимачи», «Тошкент иссиқлик манбаи», «Чиноз тўқимачи» каби ташкилотларга 642 млн. 500 минг сўмлик иш ҳақини олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат муҳофазаси ходимнинг хавфсиз шароитда ишлашини кафолатлайди. Жамоаларда мазкур вазифани амалга оширишга масъул жамоатчилик вакиллари фаолият кўрсатмоқда. 2005 йилдан 2010 йилгача меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 12 млрд. 290 млн. 200 минг сўм сарфланган. Шунинг ҳисобига махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари сотиб олиш, зарарли ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни сут ва ювиш воситалари билан таъминлаш ҳамда касаба уюшма мутахассислари тавсиялари бўйича тадбирларни амалга ошириш каби ишлар бажарилган. Ҳисобот даврида мутахассислар томонидан 1242 дан ортиқ корхонада «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунга риоя қилиниши ўрганилиб, аниқланган 4200 дан ортиқ камчилик юзасидан мулоҳаза ва тавсиялар берилди. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш ходимлари билан 10 дан ошиқ меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Корхоналарда меҳнат шароитини санитария меъёрлари ва меҳнат муҳофазаси қоидалари талаби даражасига келтиришга, ишлаб чиқаришда шикастланиш хавфи бўлган дастгоҳ ва ускуналарнинг техник ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Барча тўқимачилик саноати корхоналари санитар-маиший хоналар, гардероб, душ ва ювиниш ҳамда аёлларнинг шахсий гигиена хоналари билан қарийб 100 фоиз таъминланган.

Ходимларда ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш кўникмасини шакллантириш меҳнат муносабатларида юзага келадиган қонунбузарликларга чек қўяди. Ана шу мақсадда ҳар йили корхона-ташкилотларда қонунларни ўрганиш юзасидан ҳудудий семинар, ўқув машғулот ва давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Ҳисобот даврида тармоқ касаба уюшма кенгашларига соҳа ходимларидан келиб тушган 288 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, 268 таси аризачилар фойдасига ҳал этилди. Жумладан, қонунга зид равишда ишдан бўшатилган 32 нафар ходим лавозимига тикланиб, уларга мажбурий ишсиз юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди. Айрим ҳолатларда касаба уюшма аъзоларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланилди.

Меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ўртасида маданий-маърифий ҳамда спорт ишларини ривожлантириш масалалари тармоқ битимлари ва жамоа шартномаларидан муқим жой олиб келаётир. Тармоққа қарашли корхона-ташкилотларда маънавият-маърифат хоналари, бурчаклари ташкил этилган. Ўтган даврда «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ўзбекистон, сени куйлайман», «Намунали маҳалла», «Энг сариштa оила», «Ибратли келин», «Энг моҳир касб устаси», «Ўз ишининг устаси» каби мавзуларда 450 дан ортиқ кўрик-танлов ўтказилди. Ёшларни яхши хулқли, миллий истиқлол ғояси, ватанпарварлик туйғулари руҳида тарбиялашга қаратилган 200 дан зиёд суҳбатлар, адабиёт ва санъат намояндалари билан 175 та учрашув ва ижодий кечалар ташкил этилди.

Ҳар йили уч босқичли кўрик-танлов ва спартакиадалар ўтказилиб, ғолиблар республика миқёсидаги тадбирларда қатнашмоқда. Бугунги кунда Марказий кенгаш тизимида 2,5 мингдан ортиқ киши доимий равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этилган. Ҳисобот даврида ўтказилган турли спорт мусобақалари ҳамда спартакиадаларда 70 мингга яқин ишчи-хизматчи ва ёшлар иштирок этди.

Ўтган йиллар мобайнида 6089 нафар касаба уюшма аъзоси сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида соғлиғини тиклади. 19020 нафар ўғил-қиз оромгоҳларда дам олдирилди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикасидан 2120 нафар бола тармоқ оромгоҳларида соғломлаштирилди.

Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмасига қарашли 874 та бошланғич ташкилотга 188977 нафар аъзо бирлашган. Ҳисобот-сайловлар натижасида 122 нафар етакчи янгиланди. Бошланғич ташкилотларда 139 нафар олий маълумотли, 90 нафар аёл етакчи фаолият олиб бораяпти. Айниқса, Фарғона, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларидаги касаба уюшма ташкилотлари ёш, ташаббускор ва ижтимоий шерикчилик асосида иш юрита оладиган кадрлар билан мустаҳкамланишига эришилди.

Хориждаги соҳа касаба уюшмалари билан алоқани кенг йўлга қўйишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда ICEM халқаро касаба уюшма ташкилоти, Миср, Туркия, Жанубий Корея, шунингдек, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Молдова, Озарбайжон Республикалари касаба уюшмалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Жумладан, ҳисобот даврида Миср, Туркия, Жанубий Корея, Озарбайжондан делегациялар тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрганини айтиш мумкин. Ўз навбатида, 69 нафар тармоқ касаба уюшмаси фаоли Миср, Жанубий Корея, Белгия, Россия, Германия, Қирғизистон давлатларида бўлиб қайтишди.

* * *

Шундан сўнг тафтиш комиссияси раиси Ҳ.Меҳмонқулова ахборот берди.

Маърузалар юзасидан сўзга чиққанлар беш йиллик фаолият юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни ижобий баҳоладилар. М.Адилова ўз вазифасига қайта сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Н.Аллаёров иштирок этди ва тармоқ касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга эътиборни қаратди.

Ўз мухбиримиз

Жамоа шартномаси ходимларни ҳар томонлама ҳимоя қилишда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Шу боис маъмурият билан тузиладиган жамоа шартномамизни йилдан-йилга такомиллаштириб, у орқали ижтимоий муҳофазанинг барча қирраларини қамраб олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳамкорлик самараси

Мазкур ҳужжатда кўрсатилган шартларни бажаришда раҳбарият ва касабақўм ҳамкорлиги қўл келмоқда. Жумладан, ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш доимий эътиборда. Жумладан, ўтган йили 7 нафар ишчига сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклаши учун 2450000 сўм ажратилди. Ташхис қўйиш учун 200000 сўм ўтказиб берилди. Бу йил эса 10 кишига сиҳатгоҳларга йўлланма ажратишни режалаштирганмиз. Ўтган мавсумда ишловчиларнинг ўғил-қизлари оромгоҳларга жами 7413000 сўмлик йўлланма билан таъминланди.

Шу билан бирга, маданий-маърифий ва спорт ишларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратаяпмиз. Ўтган йили 50 нафар ходим Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатга олиб борилди. Спортни оммалаштиришга эса корхонамиз томонидан 1 млн. 500 минг сўм қўшимча маблағ сарфланди.

Баркамол авлод йили муносабати билан жамоа шартномасига қўшимчалар киритилди. Шунга асосан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга манзилли моддий ёрдам кўрсатиш бўйича 5 йилга мўлжалланган дастур тузиш ва уни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Жумладан, ишчи-ходимларнинг коммунал тўлов харажатларини қоплаб бериш учун 20 млн. сўм миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилди.

Жорий йилда ишчи-ходимлар ва оила аъзоларининг даволаниши учун 1 млн. 500 минг сўм ажратилади. Бундан ташқари, уларнинг фарзандларига 450 минг сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар сотиб олинади. Кам таъминланган ходимларнинг таълим муассасаларида ўқиётган 2 нафар фарзандига шартнома пули тўлаб берилади.

Ҳар йили Марказий кенгаш мутахассислари томонидан меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилий ишлар бўйича ўтказиладиган семинарлар фаолиятимизни кучайтиришда қўл келаяпти. Ходимлар манфаатини ҳимоялаш масаласида кўрсатилаётган йўл-йўриқ ва амалий ёрдамлар бизни янада катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Ж.ХОЛИҚОВ,
Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Қадр ҳар нарсадан устун

Иш унумининг юқорилиги кўпроқ моддий манфаатдорликка бориб тақалади. Шу маънода корхонамиз ишчи-хизматчиларининг меҳнатини қадрлаш, уларга муносиб иш ҳақи тўлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Корхонамизда асосан халқ истеъмоли моллари, жумладан, халқ амалий санъати турлари, тикувчилик маҳсулотлари, Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг байроқлари ишлаб чиқарилади. Хусусан, 2009 йилда товар маҳсулотларини айирбошлашда олдинги йилга нисбатан 155 фоиз ўсишга эришилди. Бу 12,5 млн. сўм соф фойдани ишловчиларнинг фаровонлигини оширишга йўналтириш имконини берди. Ишчиларга ўтган йили маъмурият томонидан 2 млн. сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмаси ҳисобига эса 1 млн. сўмга яқин маблағ ўтказдик.

Кўплаб корхоналар 10 разряднинг ставкасини 37 минг сўмга оширган бўлса, бизда бу 48 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларнинг қобилиятига қараб ҳар ой 80 фоиз қўшимча ҳақ тўланади.

Кези келганда, касаначиликни қўллаб-қувватлашга кенг эътибор қаратилаётганини таъкидлашни истардим. Касаначилар ишчилар қатори имтиёзларга эга бўлиб, улар ҳам дам олиш масканларига йўлланма билан таъминлаб турилади.

Бу ишларни амалга оширишда маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг аҳамияти катта бўлмоқда. Унда белгиланган талабларнинг бажарилиши ҳам иш берувчи, ҳам ишловчилар манфаатига хизмат қилаяпти.

Саида ҒАНИЕВА,
«Шарқ гули» МЧЖ раҳбари

Етакчи фаол бўлса...

Касаба уюшмалари фаолияти ғоят серқирра. Меҳнат муносабатларига оид қандай масала бўлмасин, соҳа вакиллари назаридан четда қолмайди.

Ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилишда, энг аввало, иш ҳақининг вақтида тўланишига эътибор қаратиш лозим. Вакиллигимизнинг бу масаладаги позицияси қатъийдир. Мисол учун, ўтган йилларда иш ҳақидан қарздорлиги бўлган Фарғона шаҳар «Сувоқова» ИЧК, Қўқон шаҳар «Сувоқова» ИЧК, вилоят «Иссиқлик манбаи» ИЧК бошқармаларига эътирозномалар юборилиб, вилоят Раислар кенгаши йиғилишларида мазкур масала муҳокама қилинди. Натижада, 252 млн. 683 минг 700 сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Ходимлар ўртасида маданий-маърифий ишларни янада яхшилаш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилишда ташкил этилаётган турли тадбир ва ўқув семинарларининг аҳамияти катта бўлмоқда. «Ўз касбининг устаси», «Меҳнатни муҳофаза қилиш вакили» кўрик-танловларида вакилларимиз ҳар йили фаол иштирок этиб, Марказий кенгашнинг Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғаларига сазовор бўлишаяпти. Республика тармоқ спартакиадаси ва бадиий жамоалар кўрик-танловларида ҳам жамоаларимиз бир неча йилдан буён фахрли ўринларни эгаллаб келишаётир. Жумладан, жорий йилнинг 26 - 29 апрел кунлари Шаҳрисабз туманидаги «Мироқи» сиҳатгоҳида ўтказилган мазкур кўрик-танлов ва спартакиадада янги сайланган етакчиларимиз олий ўрин соҳиби бўлишди.

Қуйи касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ходимлар моддий манфаатдорлигини ошириш, ишлаш ва дам олиш шароитини янада яхшилаш, спорт-соғломлаштириш тадбирларини уюштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда ёлғиз қариялар ғамхўрлик билан қуршаб олинган.

Фаолиятимиз самараси кўп томонлама бошланғич ташкилотларнинг таъсирчан кучга айланиши билан боғлиқ. Ана шу мақсадда 11 нафар касабақўм раиси ва вакиллик мутахассислари ЎзКУФК ўқув марказида ташкил этилган бир ҳафталик дастур асосида малакаларини ошириб келдилар. Муҳими, жорий йилда тармоққа қарашли 78 та корхонанинг барчасида жамоа шартномаси тузилишига эришилди.

М.АБДУЛЛАЕВА,
Марказий кенгашнинг Фарғона вилояти бўйича вакили

Давр билан ҳамнафас

Касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий ҳимояси, хавфсиз меҳнат шароитида ишлаши, соғлиғини тиклаши, ҳуқуқий муҳофазаси биз учун кундалик юмушга айланган. Тармоққа қарашли корхоналарнинг 94 фоизида жамоа шартномалари тузилганлиги ушбу мақсадни амалга оширишга кўмак бераяпти. Шунга асосан ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 2009 йилга келиб ўрта ҳисобда 247,8 минг сўмни ташкил этди.

Иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича турли чоралар қўлланилаётганлиги ҳам ўз самарасини бераяпти. Мисол учун, вакиллик аралашуви билан 2007 йилда вилоят «Иссиқлик манбаи» корхоналарида 500 млн. сўмдан ортиқ қарздорлик барҳам топди.

Вилоят тармоқ корхоналарида пенсионерлар, ногиронлар ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, кам таъминланган оила фарзандлари учун ўқув қуроллари харид қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, ташкилотларда қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланишини таъминлашга кўмаклашиш, ҳуқуқий мавзуга оид тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш, семинар ва давра суҳбатлари ўтказиш янада яхшиланди. 2005-2009 йилларда вилоят вакиллигига тушган ариза ва шикоятларнинг 93 фоизи аризачилар фойдасига ҳал қилинди.

Ишловчилар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга интилаяпмиз. 2009 йилда тармоқ корхоналарида биронта бахтсиз ҳодиса содир бўлмагани бунинг исботи. Қатор корхона-ташкилотларнинг касаба уюшма меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси ва вакиллари вилоят ҳамда республика кўрик-танловларида муносиб қатнашганликлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Нодавлат сектори корхона ва ташкилотларини касаба уюшмасига жалб этиш натижасида ҳисобот даврида 6 та ташкилот тузилиб, аъзолар сони 2230 нафарга кўпайди. Бугунги кунда 56 та бошланғич ташкилот атрофида 15699 нафар аъзо жипслашган.

И.РАЖАБОВА,
Марказий кенгашнинг Тошкент вилояти бўйича вакили

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Тўлқин ШЕРНАЕВ ва Комила БОЙМУРОДОВА тайёрлади. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ғамхўрлик

Боланинг бегонаси бўлмайди

Яқинда Тошкент вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамда туман бирлашган касаба уюшма қўмиталари яна бир хайрли ишга қўл уришди. Болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни мазмунли ўтказиш, уларни спортга янада фаолроқ жалб этиш мақсадида тадбирлар уюштирилди. Шунингдек, Бўка туманига қарашли 15-мехрибонлик уйи, Оққўрғон туманидаги 78-махсус мактаб-интернати, Ўртачирчиқ тумани 124-махсус мактаб-интернати, Бўстонлиқ туманидаги 6-мактаб-интернати тарбияланувчиларига янги алифбодаги бадиий адабиётлар ва ўқув қуроллари тарқатилиб, болаларнинг қувончига қувонч улашилди.

Ўз навбатида, болажонлар ҳам шеър, куй-қўшиқлари билан йиғилганларни мамнун этишди.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Марҳамат туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасида юз нафардан ортиқ ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу ерда болаларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш учун таълим-тарбиянинг ноанъанавий, юксак самарали усулларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Суратда: тарбиячи Олтиной Ҳамидова болалар билан машғулот пайтида.
Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Қиз ўсса — элнинг кўрки

Йўловчи транспортлардан бирида хизмат сафаридан — Самарқанддан Тошкентга қайтмоқдаман. Ҳамроҳларимдан бири 15-16 ёш атрофидаги қиз. Сочлари сариққа бўялган аёл қизини машинага чиқарар экан, «кўз-қулоқ бўлиб кетинг», деб менга қайта-қайта тайинлади. Йўлга чиқдик. Очиққина қиз экан, суҳбатлашиб кетдик.

Ҳар 10-15 дақиқада телефон жиринглайверади. Ноилож сўрадим: «Онангиз хавотир олаяптими ёки сизга ишонмайдими?..»

— Билмадим, онам мени ҳалигача ёш бола деб ўйлайди. Балки, ёлғиз фарзанд бўлганим учун шундай қилаётгандир...

— Опа-укаларингиз йўқми?

— Ота-онамнинг ажрашишганига етти йил бўлди. Ўғил кутишган экан, аммо мен... Шундай бўлса-да, гаплашиб туришади. Уларнинг икки жойда яшашларидан жуда эзиламан. Тошкент билан Самарқанд ўртасида овораман. Қанийди, уларни яраштиролсам...

Унинг гапларини тинглар эканман, наҳотки, фарзанднинг ўғил ё қизлиги оиланинг дарз кетишига шунчалик туртки бўлса, деган ўй кечди хаёлимдан. Ҳар иккиси ҳам бирдек улуғ неъмат эмасми? Ахир, дунёда тирноққа зорлар қанча?..

Бир танишимнинг уч қизи бор. Уларни шу қадар яхши кўрадики, «булар қиз эмас, жаннат гуллари» деб таъкидлашдан чарчамайди.

Нигоҳ

Тўғри, жоҳилият даврида қиз туққан аёллар камситилган. Маълумотларга қараганда, қадимги Ҳиндистонда, исломгача бўлган араб давлатларида, қадимги Хитойда қиз боланинг туғилишига катта фалокат, ёмонлик аломати сифатида қаралган. Қадимги Ҳиндистонда аёл ҳомиласининг жинси фолбинлар ёрдамида аниқланиб, қиз бўлса, мурғак она қорнидаёқ эзиб ташланган. Арабларда эса бир пайтлар янги туғилган қизалоқни тириклайин ерга кўмиб юбориш одати бор эди...

Аммо бизда бутунлай бошқача. Азал-азалдан қизларнинг ўзига хос фазилатларини мадҳ этиб, қиз кўрган ота-оналар келажакда эл-юрт ўртасида қадрли ва эътиборли бўлажагини эътироф этишган. «Қизли уй — қизил гул», «Қизнинг иси — гулнинг иси», «Гул ўсса — ернинг кўрки, қиз ўсса — элнинг кўрки», «Қиз бола — уй зийнати» каби мақоллар ҳам бежиз элда оғиздан-оғизга кўчиб юрмаган. Шунингдек, ҳадиси шарифда айтилишича, уч қизини ёки уч опа-синглисини тарбия қилган киши шубҳасиз жаннатга кирар экан.

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган сурат.

«POYTAXT AUKSION» ДУК 2010 йил 23 сентябр куни аукцион савдоларини ўтказади

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Боровский кўчаси, 6-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонаси тасарруфидаги 1986 й. и/ч, д/р 10AL036 ва д/р 10BA156 бошланғич нархи 1 900 000 сўм бўлган иккита «ГАЗ 2110»; 1991 й. и/ч, д/р 10AX794, бошланғич нархи 2 300 000 сўм бўлган «ГАЗ 2411»; 1993й. и/ч, д/р 10BA058, д/р 10BA154, д/р 10BC945, бошланғич нархи 2 650 000 сўм бўлган учта «ГАЗ 31029»; 1993й. и/ч, д/р 10AO793, д/р 10BA031, д/р 10BA089, д/р 10BA136, д/р 10BA143, д/р 10BA147, д/р 10BC946, бошланғич нархи 2 750 000 сўмдан бўлган еттита «ГАЗ 31029»; 1990й. и/ч, д/р 10AT663, бошланғич нархи 7 850 000 сўм бўлган «ГАЗ 53»; Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уйда жойлашган, Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти давлат корхонасининг 1996й. и/ч, д/р 01/683OAA, бошланғич нархи 8 300 000 сўм бўлган «Нексия»; Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 25-уйда жойлашган, «Ўзмахсусимпекс» давлат корхонасининг 2003 й. и/ч, д/р 10AZ757, бошланғич нархи 21 549 000 сўм бўлган «Опел Омега»; 2002й. и/ч, д/р 10AS505, бошланғич нархи 6 191 000 сўм бўлган «Матиз DLX»; Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси 2а-уйда жойлашган, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 1992 й. и/ч, д/р 10TH409, бошланғич нархи 2 800 000 сўм бўлган «ГАЗ 2411»; 1996й. и/ч, д/р 10TH432, бошланғич нархи 5 260 000 сўм бўлган «ГАЗ 31029» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «POYTAXT AUKSION» ДУКни АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 «А»-уй.

Алоқа телефони 233-23-49, телефакс 233-23-40, электрон почта P-A DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash Markazi»нинг д\р 11TV133 бўлган «Нексия» 3 400 000 сўмга; «O`ZBEKEKSPERTIZA» ОАЖнинг д\р 10BB959 бўлган «Ласетти» 24 450 000 сўмга; «YO`LOVCHITRANSSERVIS ягона хўжалик ҳисобидаги марказ» ДУКнинг д\р 10AS076 бўлган «Дамас» 5 500 000 сўмга; «Coca Cola Ichimligi Uzbekistan Ltd» МЧЖнинг д/р 01/765AAA бўлган «Хундай Элантра» 48 800 000 сўмга; Тошкент шаҳар Адлия Бошқармасига қарашли д/р 10AZ774 бўлган «ГАЗ-3110-101» 7 260 000 сўмга; д/р 10AL031 бўлган «Дамас» 5 876 000 сўмга; Суд департаменти Тошкент шаҳар худудий Бошқармасига қарашли д/р 10AQ727 бўлган «Эсперо» 4 220 000 сўмга; д/р 10AY642 бўлган «Эсперо» 2 600 000 сўмга; д/р 10AP784 бўлган «ГАЗ-3102-311» 3 600 000 сўмга; д/р 10AZ220 бўлган «Тико» 3 500 000 сўмга; д/р 10AN794 бўлган «Тико» 3 100 000 сўмга; д/р 10AQ282 бўлган «Дамас» 3 450 000 сўмга; д/р 10AV052 бўлган «Дамас» 3 600 000 сўмга; д/р 10AD702 бўлган «Дамас» 2 970 000 сўмга; д/р 10AZ121 бўлган «Тойота-корона» 3 600 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

«Термиз»
халқаро аэропорти
касаба уюшма қўмитаси

Ўзбекистон Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан Республикамиз авиаходимларини, фахрийларимизни ҳамда барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, яхши кайфият ҳамда барча эзгу ниятлари руёбга чиқишини тилайди!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси

Хоразм вилоят кенгаши

Бунёдкорликнинг барча жабҳаларида матонат кўрсатиб, муваффақиятларга эришаётган фидойи халқимизни, соҳа ходимларини энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан муборакбод этади.

Халқимизга мустаҳкам соғлиқ, юртимизга тинчлик, фаровонлик тилайди!

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Doyud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
T.Shernayev
Navbatchi:
N.Maxamov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -21.00

Буюртма Г — 751

11568 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 4 5